

## ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ДОРИЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИНИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

**Хуршид Гуломович Абдуллаев**

ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бўлим бошлиғи

**Аббос Мухаммадович Пайзиев**

Жамоат хавфсизлиги университети кафедра катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7353311>

**Аннотация.** Ушбу мақолада гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳамда кучли таъсир қилувчи дориларнинг қонунга хилоф равишда айланиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлар ва қарши курашиш амалиётида ва мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда салби омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган таклифлар масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** шимолий йўналиш, опиат, гиёҳвандлик, статистик, криминоген, лаборатория, психотроп, наркотик, тадбиркорлар, анъанавий.

### ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ В БОРЬБЕ С НЕЗАКОННЫМ ОБОРОТОМ НАРКОТИЧЕСКИХ ИЛИ ПСИХОТРОПНЫХ ВЕЩЕСТВ И СИЛЬНЫХ СРЕДСТВ

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены вопросы научно обоснованных рекомендаций по выявлению и предотвращению негативных факторов в нормативно-правовых документах, регулирующих систему выявления фактов, связанных с незаконным оборотом незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ, и сильнодействующих препаратов, а также практики, а также практики ведения борьбы против этого зла.

**Ключевые слова:** северное направление, опиаты, наркотики, статистические, криминогенные, лабораторные, психотропные, наркотики, предприниматели, традиционные.

### PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE FIGHT AGAINST THE ILLEGAL TRANSFER OF DRUGS OR PSYCHOTROPIC SUBSTANCES AND STRONG DRUGS

**Abstract.** This article identifies cases of illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances, as well as strong drugs, and studies negative factors in the practice of fighting them and in the regulatory documents governing this area, and discusses scientifically based proposals for their elimination.

**Keywords:** northern direction, opiate, drug, statistical, criminogenic, laboratory, psychotropic, narcotics, entrepreneurs, traditional.

Дунёда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга хилоф равишда айланишига қарши курашиш муаммоси алоҳида давлатлар чегарасидан чиқиб, ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид солмоқда. Жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам гиёҳвандлик ҳолати, уларни қонунга хилоф равишда айланишининг кенгайиши, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларни нотиббий истеъмол қилишининг ўсиши ҳамда “шимолий йўналиш” бўйича афғон опиатларини транзит қилишининг эски каналларининг фаоллашиши ва янгиларининг шаклланиши фониди мураккаблигича қолмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ вазият доимо давлат ва жамиятнинг алоҳида эътиборида бўлиб келади. Ҳозирги вақтда давлат ва жамоат тузилмалари томонидан гиёҳвандлик таҳдидига қарши курашишнинг ягона тизимини яратиш бўйича бир қатор ташкилий-ҳуқуқий, профилактик ва иқтисодий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ушбу тизимда гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф равишда муомала қилинишига қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур жиноятларни олдини олиш ва аниқлашдан иборат.

Ўтказилаётган чора-тадбирларга қарамай мазкур турдаги қонунбузарлик йилдан-йилга ошиб, турлари кўпайиб бормоқда, масалан:

2020 йилда Ўзбекистон Республикасида тезкор-амалий ва тезкор профилактик тадбирлар натижасида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси билан 6032 та жиноят аниқланган (2019 йилда – 5026, 20,01%) қайд этилган. Ушбу кўрсаткич мамлакатимизга чегарадош давлатларда қуйидагича кўринишга эга:

Қозоғистон Республикасида 7808 та жиноят аниқланган (2019 йилда – 7016; 11,2% га ошган);

Тожикистон Республикасида 700 (2019 йилда – 574; 21,95% га ошган) ошганлигини;

Қирғизистон Республикасида эса 795 (2019 йилда – 999; 20,42% га камайган) пасайишни кузатиш мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида беш йиллик статистик маълумотларни (2016-2020 йиллар) ҳисобга олган ҳолда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар: контрабанда 29,9 %га, гиёҳвандлик воситаларидан иборат ўсимликларини етиштириш 1,1 % га, уларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва бошқа ҳаракатлар 26 % га ошган. Ушбу соҳада ёшларнинг 33,2 % га, тиббиёт ходимлари ва чет эл фуқароларининг жиноятчилиги 2 баробарга ошган.

Бундан кўришиб турибдики бу борада олиб борилаётган ишларимизнинг янада ошириш, ушбу соҳадаги кузатилаётган амалиётдаги муаммоларни ўрганиш ҳамда ушбу муаммоларга илмий ечим топиш бугунги куннинг энг долзарб масалала эканлигини тушунмоғимиз даркор.

Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида ривожланиш бўлгани каби гиёҳвандлик воситаларининг олдини олиш, унга қарши курашишдаги янги ёдашувлар натижасида кўплаб салбий ҳолатларнинг олди олинмоқда,

Охирги йилларда наркотик моддаларнинг канобиод ва опиат гуруҳидан синтетик келиб чиқадиган гиёҳвандлик воситаларига ноқонуний айланиши фактлари кузатилмоқда. Жумладан. Янги турдаги (Спайс, Tramadol, Lyrika, Тропикамид кабилар) психотроп ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларининг пайдо бўлаётганлиги, уларни ноқонуний равишда тарқатишнинг замонавий усуллари кенг тарқалаётганлиги ҳамда истеъмол қилиш ҳолатларининг тобора ортиб бораётганлиги аҳоли саломатлигига, шунингдек республиканинг криминоген ва тезкор вазиятига таъсир қилувчи потенциал таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, 2016 йилда 58 минг дона, 2017 йилда 62,5 минг, 2018 йилда 128 минг, 2019 йилда 365,3 минг, 2020-йилда 191,1 минг дона шундай турдаги дори воситаларининг ноқонуний савдосига чек қўйилган.

Юқорида кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи дори воситалари ва прекурсорларнинг қонунга хилоф равишда муомала қилиниши ва гиёхвандликка қарши курашда қуйидаги омилларни келтириш мумкин.

Биринчидан, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ва кучли таъсир қилувчи дориларнинг қонунга хилоф тайёрлаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш бўйича давлат божхона хизмати ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида тўлиқ ва самарали ахборот алмашинуви тизими йўлга қўйилмаган;

Иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг моддий-техник базасини яхшилаш учун ҳудудий ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларида моддий-техник баъзасининг етарли таъминланмаган. Жумладан, “Хромотомасс-спектр” қурилмасининг республикада фақат 2 дона бўлиб у ҳам Тошкент шаҳрида жойлашган;

Учинчидан, гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб оз миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни оз миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш ҳамда бугунги кунда гёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини реклама қилаганлик учун маъмурий жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги, жазонининг муқаррарлиги ва жавобгарликнинг содир этилган жиноятга мослиги принципларини тула руёбга чиқариш имкониятини чеклаган.

Психотроп таъсирга эга бўлган, инсон руҳиятига кучли таъсир қилувчи дори воситалари реализацияси бўйича самарали механизм жорий этиш зарур. Амалдаги тартибга кўра, бундай дори воситалари фақат ижтимоий дорихоналарда шифокор томонидан берилган тавсия асосида чекланган ва белгиланган нархларда сотилади, аммо бугунги кунда хусусий дорихоналар ҳам даромадини орттириш мақсадида қонунга хилоф равишда, инсон руҳиятига кучли таъсир қилувчи дори воситаларини сотаётганини кузатиш мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва инсон руҳиятига кучли таъсир қилувчи дориларнинг ноқонуний айланишинига қарши кураш муаммоларига ечим топиш орқали мазкур тизимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, қуйидагилар таклиф этилади:

1) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56-моддасигага ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳамда гёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини реклама қилиш учун маъмурий жавобгарликни жорий қилиш бўйича янги моддани киритиш;

2) гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун ишлатиш мумкин бўлган дори воситаларининг янгиланиб туриладиган тўлиқ рўйхатини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ўзгартириш киритиш механизмини жорий этиш;

3) информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни тайёрлаш учун ишлатиш мумкин бўлган дори воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, олиб чиқиш, сақлаш ва ўтказиш фаолиятини мониторинг қилишнинг узлуксиз тартибини жорий қилиш;

4) ички ишлар органларининг амалдаги штат бирликлари доирасида Тезкор-қидирув департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасида психотроп ва кучли таъсир

килувчи дори воситаларининг қонунга хилоф муомаласига қарши курашиш бўлинмалари фаолиятини йўлга қўйиш;

5) синтетик турдаги гиёҳвандлик ва психотроп моддаларни экспертизадан ўтказишга мўлжалланган махсус кимёвий лабораторияларни республиканинг Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикасида ташкил қилиш ва “Хромомасс-спектр” қурилмаси билан жиҳозлаш;

6) тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни экспресс аниқлаш жараёнида техник воситалардан фойдаланиш жорий этиш, шу жумладан ички ишлар органлари тезкор-қидирув бўлинмаларини ушбу йўналишдаги замонавий техник воситалар ҳамда махсус таъминотини иш натижасига қараб тизимли ошириб боришни таъминлаш;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратура, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълиси вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Божхона кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил марказининг мазкур соҳани тартибга солиш ҳамда куч ва воситаларни бирлаштиришни назарда тутувчи қўшма қарорини қабул қилиш лозим.

Таъкидлаб ўтиш лозимки юқорида кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ушбу соҳада янги технологияларни жорий этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатларни янада самаралироқ бўлишига хизмат қилиш билан бирга жамиятнинг барқарор ривожланиши, маҳаллалар, оилаларнинг тинчлиги ва осийишталиги таъминланишига эришилади.

## REFERENCES

1. Zakurlayev A.K. Kriminalistika: Darslik. – Т.: О‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiya Harbiy-texnik instituti, 2018. – В. 524-525.
2. 2020 yildagi O‘zbekiston Respublikasidagi narkovaziyat bo‘yicha byuletени. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Narkotik moddalarni nazorat qilish milliy axborot-tahlil markazi. Toshkent, 2020 y.
3. 813-I-son.19.08.1999 y. O‘zbekiston Respublikasining «Giyohvandlik vositalari va psixotrop moddalar to‘g‘risida»gi Qonuni. <https://lexuz>.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил марказининг 2016-2020 йиллар учун Информацион бюллетени.
5. Жабборов З.Қ. Наркотик моддалар билан қўнунга хилоф равишда муомалада бўлган шахсларни ушлаш вақтида зарар етказишга доир айрим муаммолар //Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний фйланишига қарши курашнинг назарий ва амалий жиҳатлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 163-166.
6. Уразалиев М.К. Алкоголизм, фоҳишалик ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминалогик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Юрид. фан. докт. дисс. – Т.: ТДЮУ, 2016.